

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАХАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 241 (1503) 8 декабрь, сешанба, 1959 йил. Баҳоси 20 тийин.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг „Непсабадшаг“ газетаси редакциясига мактуби

БУДАПЕШТ, 6 декабрь. (ТАСС). Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг органи «Непсабадшаг» газетаси бугунги сонидан Н. С. Хрушчевнинг газета редакциясига юборган мактубини бош-бош чиқарди. Мактубда бундай дейилади: «КПСС делегацияси Венгрия Социалистик ишчи партияси VII съездида қатнашган вақтда КПСС делегацияси саноат корхоналари, ишлаб чиқариш кооперативлари, жамоат ва давлат ташкилотларидан, студентлар коллективлари ва йувчурларидан, шунингдек Венгрия Халқ Республикасининг айрим граждандаридан жуда кўп табрик хатлари олинди. Бу хатларда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига ва бутун совет халқига нисбатан қардошларча дўстлик туйғулари изҳор қилинади, коммунизм курашида, бутун дунёда тинчлик учун курашда янгидан-янги катта муваффақиётларга эришишларини астойдил иситганидларини баён қилинади. Кўп хатларда корхоналар, кооперативлар, жамоат ташкилотлари ва муассасаларга келиш, йиғилиш ва митингларда ҳозир бўлиш, меҳнаткашларнинг оилаларини бориб кўришга самийий таклиф этилади. Қадри ўртоқлар, бу таклифларни адо қилиш ва ҳар бир хатга алоҳида жавоб бериш имкониятига эга бўлмаганимиз сабабли ана шу самийий хатларнинг ҳаммаси учун КПСС делегацияси номидан ва шахсан ўз номидан сизнинг газетангиз орқали чин кўнгилдан ташаккуримизни изҳор қилишга ижозат бергайсиз. Бу хатлар венгер ва совет халқлари дўстлиги ва қардошларча иттифоқининг мустаҳкамлигини ёрқин исбот этади. Биз шунга қаттиқ аминмики, венгер-совет дўстлиги барча социалистик мамлакатлар халқларининг қувватли, бутун дунёда тинчлик соолати Маида янада кўпроқ мустаҳкамланади. Венгриялик аниқ дўстларимиз, Венгрия Социалистик ишчи партиясининг VII съездида белгилаган социалистик қурилишнинг ажойиб программасини муваффақиятли бажаришингизни чин кўнгилдан тилаймиз, ҳаммаингизнинг меҳнатда ва ҳаётда муваффақият қозонишингизни тилаймиз. Самийий ҳурмат билан. Н. ХРУШЧЕВ. 1959 йил. 5 декабрь.

1960 йил мўл ҳосилига пухта замин яратайлик!

Шудгор—келгуси йил мўл ҳосилининг гарови

Ленин орденли областимизнинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари етти йилликнинг биринчи йили — 1959 йилни катта муваффақиётлар билан якунламоқдалар. Орденли область деган юксак ва фахрли ном, партия ва ҳукуматимизнинг олий мукофоти азамат колхозчиларимизни, совхоз ва РТС ишчиларини, механикаторларни, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва барча меҳнаткашларни янада фидокорона меҳнат қилишга руҳлантирмоқда, янгидан-янги шонли галабаларга олтантирмоқда. Улар, биз бу фахрли номга асло доғ туширмаймиз, саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, пахтачилликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини оғишмай юксалтириш учун курашда олижаноб ишга ўзимизнинг бутун кучимизни, бутун гайратимизни, қалбимизнинг бутун ҳароратини сарфлаймиз, улуг ишлар етти йиллик планини муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақани тагин ҳам кенг аёқ олдирмай, деб қасамд қилмоқдалар.

Шу кунларда колхоз ва совхозларда 1959 хўжалик йилининг якуни тўпланимоқда. 1960 йилда бу йилгидан ҳам кўп ва мўл ҳосил етиштириш учун қизғин тайёргарлик бормоқда, қизғин шудгорлаш, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил етиштириш билан боғлиқ бўлган қизғин ишчи тадбирлар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Ҳосилни кўтаришда қизғин шудгорлаш катта роль ўйнаганлигини таъкидлаб саноат кўрган Бобур районидagi «Коммунизм», Бекобод районидagi «Победа», Юқори Чирчиқ районидagi «Правда», «Политотдел», «Ўзбекистон ССР 30 йилгига» каби жуда кўп колхозлар шудгорлашни барвақт тямомлаб, келгуси йил мўл ҳосил учун мустаҳкам замин тайёрлаб қўйдилар. Бир қатор районлар ва совхозлар ерларни шудгорлаш планини бажариш асосидa тўрибдлар. Юқори Чирчиқ району ва Гулистон районидagi «Мирзақул» совхози қизғин шудгорлаш юзасидан берилган топшириқни бажаришда энг юқори кўрсаткичларга эришганлигини учун ўтган йил кўлиқда область партия комитети ва область ишқорни комитетининг кўмаги билан байронини олишга муваффақ бўлдлар. Гулистон районидa, «Оқдўғрон» ва «Бобур» совхозларида ҳам шудгорлаш анча дурст бораётир.

Йилда область партия комитетининг бюроси колхоз ва совхозларда ерларни шудгорлашнинг бориши тўғрисидаги масалани муҳомада қилди. Бюро илгор хўжаликларда шудгорлаш яхши бораётганини таъкидлаб билан бирга бир қанча раионлар, кўпгина колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари қизғин шудгорлашни ўтказишда мавжуд имкониятлардан етарли фойдаланилмаганлигини, бунинг натижасида шудгорлаш кечиниб кетаятиганини кўрсатди. Ерларни шудгорлаш юзасидан белгилаган муддатнинг ўтиб кетаятигани қарамасдан, 3 декабргача баҳоринор ерларнинг қариб ярмиси ҳайдалмаган. Областинг ЎзГА, Ўрта Чирчиқ, Чиноз, Янгиўл, Оқдўғрон ва Бекобод каби йилги пахтакор районлари шудгорлашни мутлақо қоникариш олиб бормоқдалар. Бу районларда тракторлар тўда ишга солинмаган, иш унуми нихоятда паст, шудгорлаш юзасидан берилган топшириқ факат 30—40 процент бажарилган, холос. Гулистон, Сирдарё, Бобур ва Бекобод районларида эса ерларнинг шўрини ювиш асосис равишда кечиниб юборилмоқда.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «1959 йилда республика колхоз ва совхозларида шудгорлаш ишини тўдан ахшилатиш тўғрисида»ги қарорларда «Республикада шудгорлашнинг аҳамиятига етарли баҳо берилмай келинган ҳамда қизғин шудгорлашни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш учун етарли чоралар қўрилмагани пахтачиллик раҳбарлик қилинида жиддий хатолардан бири бўлиб келди», деб таъкидлаб кўрсатдилар. Партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз, совхоз ва РТС раҳбарлари бу кўрсаткичдан уларни учун тегишли ҳулоса чиқариб олишлари, қизғин шудгорлашга бўлган муносабатларини қатъин ва кескин ўзгариштиришлари керак. Ҳар хил баҳоналар билан қизғин ишга баҳорга суриш, қишлоқ хўжалик экинларидан бўлган ерларни шу кунларда ҳайдаймай, ганимат кунларни қўлдан бой бериб қўйиш каби зарарли кайфиятлар қаттиқ қораланиши керак.

Қизғин шудгорлаш планининг бажаришмай қилиши нўқамда дала ишлари ҳамини кўпайтириб юборди, энчи муддатларини кечга суради ва сифатини пасайтириб, пировадида ҳосилга катта пўтур етди. Агарда қизғин шудгор барвақт ўтказилса пахтанинг ерта етилиши таъминланади, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ошириш мақсадида ўтказилган агротехника тадбирлари самарали натижа беради, деҳқончилик маданияти анча юксак бўлади.

Фан уюқлари ва илгор хўжаликларнинг таърибаси шуни ақлоқ кўрсатадики, қизғин шудгор тупроқнинг физик ҳосилдорлигини ахшилайди ва унинг унумдорлигини оширади. тупроқни бегона ўтлардан, қишлоқ хўжалик экинлари насалликлари ва зараркуналлардан тозалашга, тупроқда кўпроқ нам тўшлаш ва саклашга, шунингдек ерга солинадиган маҳаллий ва минерал ўғитларнинг таъсирини оширишга ёрдам беради, шўрхон ерларнинг шўрини йўқотишга кескин таъсир қилади. Ахир, «ер хайдасанг куз ҳайда, куз хайдасанг юз ҳайда» деган ҳинматий мақол бекорга айтинмаган. Ерни кузда сифатли шудгор қилган деҳқон келгуси йил мўл ҳосил учун хазина очади, мустаҳкам пойдевор яратади.

Ҳар бир колхоз ва совхозда ер ҳайдаш графиги бор: Бу графикаларнинг сўзсиз тўла ва ошириб бажарилишига эришиш, бунинг учун барча ҳайдов тракторларнинг кечасио-кундузи тўла кувват билан ишлашини таъминлаш, тракторчиларнинг баранали меҳнат қилишлари учун зарур бўлган барча шаронларни яратиб бериши керак.

Ишнинг сифати учун кураш — энг асосий вазифадир. Колхоз, совхоз раҳбарлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари қизғин шудгорлашнинг юқори сифатли бўлишига еринг белгилаган чуқурликда ҳайдаланишга алоҳида эътибор беришлари керак. Ҳайдов олдидан ерга албатта нормалдаги минерал ва маҳаллий ўғитин солиш, тракторчиларнинг, айниқса тунги сменада ишловчиларнинг, иш устидан контроллинини кучайтириш лозим.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари! Бу йил қизғин шудгорлашда қатъий бўрилиш ҳақини шудгорлашни теъда, тямомлаб, келгуси йил мўл ҳосил учун пухта замин яратайлик, орденли область деган юксак номга муносоиб иш қилайлик!

Будапештда Н. С. Хрушчевни самийий узатиб қолдилар

БУДАПЕШТ, 7 декабрь. (ТАСС). Венгрия поштаининг неча миңгаб меҳнаткашлари Венгрия Социалистик ишчи партиясининг 7-съездида қатнашган КПСС делегациясига бошчилик қилган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Н. С. Хрушчевни бугун самийий узатиб қолдилар. Н. С. Хрушчев — махсус поездда Будапештдан жўаб кетди.

Н. С. Хрушчев билан биргаликда Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Йнош Кадар, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сийсий бюросининг аъзоси Бела Биску, Венгрия Социалистик ишчи партияси Будапешт шаҳар комитетининг биринчи секретари Шандор Гашир ҳам жўаб кетдилар.

Тракторлар унумли ишламоқда

Ўтган йили Оржоникиде районидagi «Сталинград» колхозидa 640 гектар пахта майдонидан 28 центнердан ҳосил олинди, йиллик план факат 81 процент бажарилган эди. Бу йил пахтакорлар ҳосилдорликни ошириш мақсадида йил дунёда бошлаб фидокорона меҳнат қилдилар. Бу курашда уларга механизация катта ёрдам берди. Натижада ҳозиргача ҳар гектар ердан салкам 35 центнердан ҳосил қўтарилади. Ҳосилдорлик ўтган йилгига қараганда 6,7 центнерга кўпайди.

Айниқса ўртоқ Маъруфхўжа Қорахўжаев бошлиқ бригада аъзолари яхши натижаларга эришдилар. Бригадада ҳар гектар ердан 41 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Зокир Авазатов, Кендирбек Бақашбоев ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳам гектар бошига 40 центнердан «оқ олтин» тайёрланди.

Шу кунларда колхозда қизғин ишлар ҳам қизғин бораётир. Ҳамма пахта майдонининг ярми тўзаювдан тозаланди. З. Турғунбоев, Б. Жонжигитов, А. Туронбоев сингари механикаторлар ана шу майдонларда ҳайдов тракторларини тўхтовсиз ишлатиб, янги йилгача шудгорлашни тугаллаш учун курашмоқдалар. Улар ҳозиргача 400 гектардан ортиқроқ ерни шудгорлаб қўйдилар. Хўжаликда гўнг тўплаш иши ҳам бошланди.

С. МИРЗАЛИЕВ.

Олий мукофотдан руҳланиб

ЯНГИЙЎЛ. «XXI партсъезд» колхозининг аъзолари ҳар гектар ердан 30 центнердан ортиқроқ ҳосил йиғиб олдилар. Ҳозир улар олдиндан социалистик мажбуриятларини ҳам шараф билан бажариш учун курашмоқдалар. Шунингдек, колхозда келгуси йил мўл ҳосил учун пухта замин ҳозирланаётир. Сабзавот экинлари ва пахта ҳосили йиғиштириб олинган ерлар пешма-пеш шудгор қилинаётир.

Областимизга олий мукофот — Ленин ордени билан мукофотланганидан бери колхозчилар келгуси йилда пахтадан мўл ҳосил етиштиришга янада маҳкамроқ бел боғладилар.

Колхоз аъзолари далага гўнг чиқариш ишларига ҳам катта эътибор беришапти. Улар янги йилга қадар қизғин ишларни асосан тугаллаш учун аҳд қилиб, кун сайин суръатта-суръат, сифатга-сифат қўшмоқдалар.

М. РИҚСИЕВ.

Социалистик мусобақа асосида

ЎРТА ЧИРЧИК. Свердлов номли колхозда шудгорлаш кунсайин кучайтирилмоқда. Шудгорлаш олдидан ерга маҳаллий ўғит солинаётир.

Ҳозиргача 950 гектар галда майдони сифатли ҳайдалди. Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари учун ажратилган ерлар ҳам сифатли шудгор қилинаётир.

Колхозда шу кеча-кундузда 10 ДТ-54 трактори ишлаб турибди. Тракторчилар бир-бирлари билан мусобақалашиб кундалик нормаларини ортин билан бажариш учун курашаётирлар. Турсунмат Абдуллаев, А. Бобоқулов, К. Рўзиев, С. Эргашев ўртоқлар ҳар кун 5-6 гектар ерни шудгор қилмоқдалар. Колхоз бўйича кунига 45-60 гектар ер ҳайдалапти.

Х. ИКРОМОВ.



Суратда: Янгиўл районидagi Свердлов номли колхозининг 9-бригадасида шудгорлаш пайти. С. Аҳмедов фотоси.

Шудгорлашни сифатли ўтказамиз

Республикамиз пахтакорлари бу йил катта галабаларни қўлга киритдилар. КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми олдидан ўзаро социалистик мусобақани кучайтириб ишлаган пахтакорларимиз факат планингизга эмас, шу билан бирга ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини ҳам шараф билан ошириб бажардилар. Ҳозиргача далада 3 миллион 100 минг тоннадан кўп пахта топширилди.

Колхозимиз аъзолари ҳам бунга ўзарининг ҳиссаларини қўшдилар. Колхозимизда 1150 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 25,5 центнер ўригача 26 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Далада жами 2965 тонна пахта топширилди. Бу, 1956 йилда топширилган пахтага қараганда 585 тонна кўпдир.

Ҳали қўлимизда хила кўсақ бор, шунинг учун биз яна 200 тонна пахта топириш, умуман ҳосилдорликни колхоз бўйича 27 центнерга етказиш учун курашмоқдамиз.

Колхозимизнинг айрим бригадалари юқори ҳосил учун курашиб, ахши натижаларга эришдилар. Ўртоқ Орғиқбой Отақулов бошлиқ бригада аъзолари 150 гектар ернинг ҳар гектаридан 33, ўртоқ Қодирқул Хатамов бошлиқ бригада аъзолари 150

гектар ернинг ҳар гектаридан 34 ва ўртоқ Абдулла Қурбонбоев бошлиқ бригада аъзолари 36 центнердан ҳосил йиғиб, юқори кўрсаткичларга эришдилар. Колхозчиларимиз терим даврида айниқса ушқоқлик билан ишладилар. Кўпмингйилгоҳларимиз ҳаракатига қўшилган Кўмири Аллева, Тожиқон Комилова, Кўмири Камолова, Ражаб Жумаева, Сўйдихон Шарипова сингари жуда кўп теримчиларимиз 10 — 13 тоннага етказиб пахта териб, огиримизни энгил қилишда катта маъад бердилар.

Айни пайтда колхозчиларимизнинг бутун диққат-эътибори қолган ҳосилни сира пўбуд қилмай йиғиб олиш билан бирга, келгуси йил мўл ҳосил учун пухта замин ҳозирлаш тадбирларини амалга оширишга қаратилган. Ҳозир колхозчиларимиз шудгор учун тээрор ер бўлаштиб бериш мақсадида дала ишларини конвейер усулда ташкил этиб меҳнат қилмоқдалар. Тракторларга пешма-пеш ер бўлаштиб беришмоқда.

Колхозимизда 5 та ДТ — 54 маркали ҳайдов трактори бор. Бу тракторлар билан ҳосил йиғиб олишнинг ерлар шудгор қилинаётир. Правление қизғин шудгорнинг сифатли ўтказилишига раҳбарлик қилиш вазифасини колхоз агрономига топширган.

Ҳасан ТУРСУНҚУЛОВ, Гулистон районидagi Крупская номли колхозининг раиси.

У, шудгор ишларини ташкил этишга бошчилик қилаётир. Колхоз механикатор Аблаев, механикатор Оллобоев ўртоқлар ҳайдов тракторларининг бетўтов ишлашини таъминлаш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Шунингдек, колхоз правленийиси ҳайдов тракторларида ишлаб турган механикаторлар учун қўлай майиш шарафти яратиб берди. Тракторларга ўз вақтида энгил етказиб беришмоқда, бу иш кундан-кунга авж олдирилмоқда. Ҳозиргача барча пахта майдонининг деярли 70 проценти шудгор қилинди.

Далага қўллаб маҳаллий ўғит чиқаришмоқда. Шудгорлаш олдидан ҳар гектар ерга 6—7 тоннадан гўнг солишмоқда.

А. Одилов, Х. Мўминов, Н. Довурбон, М. Пейсанов.

КОРАСУВ. «XXI партсъезд» совхозининг 2-бўлимидa қовун-тарвуз, қартошка, сабзавот ва бошқа экинлардан бўшган ерларни шудгорлаш авж олиб кетди. Механизаторлар ҳар кун 7—8 гектар ерни сифатли ҳайдаб, нормаларини ортинги билан бажармоқдалар.

Н. Шорасулов.

БҒБА. «Бўна» совхозининг 1-бўлимидаги ўртоқ Қодир Турсуноқулов бошлиқ бригада тракторчиларидан Б. Солиев, К. Андреев ўртоқлар Янгим-терим давридагидек гайрат кўрсатиб ишламоқдалар. Бу каби фидокор механикаторларнинг гайрати тўғрисида пахта ҳосилдан бўшган ерлар сифатли шудгор қилинмоқда.

М. Мирзааҳмедов.

ГУЛИСТОН. «Ленинград» колхозини даладаридa иш қилгани. Бу ерда олтинга яқин ҳайдов-трактори тинимсиз ишлаб турибди. Ҳозирга қадар колхозининг 1096 гектардан ортиқ ери ҳайдаб қўйилди. Далага ўғит ташин ҳам давом этмоқда.

А. Бургутов. БЕКОВОД. 1-«Далварзин» совхозининг 4-бўлимига қарашли 2 ва 3-бригадаларидa бу йил пахта ҳосили мўл бўлди.

Ерни кузда шудгор қилиб қўйганилигини тўғрисида, — дейди 2-бригада бошлиғи Оқулов, — ҳосилнинг баракали бўлиди. Шунинг учун бу йил ҳам бу муҳим агротехника тадбирининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишига эътибор бермоқдамиз. Ҳақиқатан ҳам бригада даладаридa таралду кучли. Механизаторлар трактордан унумли фойдаланиб ер хайдасалар, колхозчи Янгит-қиллар маҳаллий ўғит тўпланимоқдалар.

Х. Усмонов. Иш қизитилди 2-«Далварзин» совхозининг ўртоқ А. Абдуллаев бошлиқ трактор-далачилик бригадаси аъзолари 137 гектар ердан 32 центнердан пахта ҳосили тайёрлаб, социалистик мажбуриятларини бажардилар. О. Жўраев, У. Абдуразақов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳам Янгим-терим ушқоқлик билан ўтказилиб, ҳамма ҳосил йиғиб олинди. Эндиликда социалистик мажбуриятларини бажарган бу бригадаларнинг аъзолари қизғин шудгорни қизитиб юбордилар. Уччала бригада даладаридa ҳам ҳайдов тракторлари тўхтовсиз ишламоқда. Е. ХАСАНОВ.

КЕЛГУСИ ЙИЛ ТАРАДДУДИ

ОҚДЎҒРОН. Ўртоқ О. Хўжаев бошлиқ 7-бўлим «Оқдўғрон» совхозидa биринчи бўлиб пахта тайёрлаш планини бажарган эди. 520 гектар ернинг ҳар гектаридан 32 центнердан ошириб пахта топириган бўлим ишчилари шудгорлашда ҳам гайрат кўрсатмоқдалар. Механизаторлардан С. Яғфаров, Н. Усов каби ўртоқлар ҳозирги пайтда шудгорлашнинг сифатли ўтказилишига хисса қўшмоқдалар.

Т. Маматов.

ЯНГИЙЎЛ. Моҳир механикатор Шчербан Тимофей Киров номли колхозда 17 йилдан бери хизмат қилиб келмоқда. Шу тўғрисида колхоз аъзолари орасидa катта обрў қозонди. Шу кунларда ҳам у ҳаммага намуна бўлиб меҳнат қилмоқда. Тимофей ҳозиргача 300 гектарга яқин ерни шудгор қилди.

А. Малюков.

ЧИНОЗ. Киров номли колхозда келаси йил таралдуди қизитиб юборилган. Бу ерда ҳайдов тракторлари ўз вақтида ремонт қилинган эди. Шунинг учун ҳам шудгорлаш ерта бошлади, бу иш кундан-кунга авж олдирилмоқда. Ҳозиргача барча пахта майдонининг деярли 70 проценти шудгор қилинди.

Далага қўллаб маҳаллий ўғит чиқаришмоқда. Шудгорлаш олдидан ҳар гектар ерга 6—7 тоннадан гўнг солишмоқда.

А. Одилов, Х. Мўминов, Н. Довурбон, М. Пейсанов.

КОРАСУВ. «XXI партсъезд» совхозининг 2-бўлимидa қовун-тарвуз, қартошка, сабзавот ва бошқа экинлардан бўшган ерларни шудгорлаш авж олиб кетди. Механизаторлар ҳар кун 7—8 гектар ерни сифатли ҳайдаб, нормаларини ортинги билан бажармоқдалар.

Н. Шорасулов.

БҒБА. «Бўна» совхозининг 1-бўлимидаги ўртоқ Қодир Турсуноқулов бошлиқ бригада тракторчиларидан Б. Солиев, К. Андреев ўртоқлар Янгим-терим давридагидек гайрат кўрсатиб ишламоқдалар. Бу каби фидокор механикаторларнинг гайрати тўғрисида пахта ҳосилдан бўшган ерлар сифатли шудгор қилинмоқда.

М. Мирзааҳмедов.

ГУЛИСТОН. «Ленинград» колхозини даладаридa иш қилгани. Бу ерда олтинга яқин ҳайдов-трактори тинимсиз ишлаб турибди. Ҳозирга қадар колхозининг 1096 гектардан ортиқ ери ҳайдаб қўйилди. Далага ўғит ташин ҳам давом этмоқда.

А. Бургутов.

БЕКОВОД. 1-«Далварзин» совхозининг 4-бўлимига қарашли 2 ва 3-бригадаларидa бу йил пахта ҳосили мўл бўлди.

Ерни кузда шудгор қилиб қўйганилигини тўғрисида, — дейди 2-бригада бошлиғи Оқулов, — ҳосилнинг баракали бўлиди. Шунинг учун бу йил ҳам бу муҳим агротехника тадбирининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишига эътибор бермоқдамиз. Ҳақиқатан ҳам бригада даладаридa таралду кучли. Механизаторлар трактордан унумли фойдаланиб ер хайдасалар, колхозчи Янгит-қиллар маҳаллий ўғит тўпланимоқдалар.

Х. Усмонов.

Иш қизитилди 2-«Далварзин» совхозининг ўртоқ А. Абдуллаев бошлиқ трактор-далачилик бригадаси аъзолари 137 гектар ердан 32 центнердан пахта ҳосили тайёрлаб, социалистик мажбуриятларини бажардилар. О. Жўраев, У. Абдуразақов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда ҳам Янгим-терим ушқоқлик билан ўтказилиб, ҳамма ҳосил йиғиб олинди. Эндиликда социалистик мажбуриятларини бажарган бу бригадаларнинг аъзолари қизғин шудгорни қизитиб юбордилар. Уччала бригада даладаридa ҳам ҳайдов тракторлари тўхтовсиз ишламоқда.

Е. ХАСАНОВ.

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ



ФИЗКУЛЬТУРА ВА СПОРТ
1000 СПОРТЧИ
СТУДЕНТ

Тошкент Давлат медицина институтининг 16 та спорт секцияси ишлаб турибди. Бу секцияларга институтнинг мингдан ортиқ студентлари жалб қилинган. Бу ерда студентларнинг спорт маҳоратини оширишга, улардан разрядли спортчилар тайёрлашга катта аҳамият берилмоқда. Институтда шу йилнинг ўзига биринчи разрядли 10, иккинчи разрядли 48 ва учинчи разрядли 115 спортчи таъинланди. 600 дан ортиқ кичик ва катта даражали ГТО нормативини бажарганлигини кувонч билан қайд қилиб ўтса арайдди. Мажбур спорт секцияларининг ҳаммасида машғулотлар мунтазам ўтказиб турилмоқда. Айниқса бокс, классик кураш, фехтование, волейбол секцияларининг ишлари намунали ташкил қилинган.

Антонин Дворжак тузган оркестр

Чехословакиялик санъаткорларнинг Тошкентга гастроли келишлари пойтахтимиз маданият ҳаётида жузла кувончли воқеалар. Машҳур чех композитори Антонин Дворжак тузган бу оркестр ҳозир ўз сафига яздан ортиқ санъаткорни бirlаштирган. А. Глазунов, Э. Григ, П. Масканьи, А. Никши, З. Вагнер ва Р. Штраус каби эътиборли композиторларнинг бу оркестрда дирижерлик қилишлари оркестрнинг шухратини ўша пайтлардаёқ бутун дунёга ёйган эди. Оркестр солистлари ўзларининг юксак ижрочилик маҳоратлари билан ҳақдорлик кўнгина мамлакат тамошбинларининг ҳурмат ва эътиборига сазовар бўлишди. Жаҳон классикари ва ҳозирги замон композиторларининг энг яхши асарлари оркестр репертуридан кенг ўрин олган. Халқлар дўстлигини

П. П. ЛОБАНОВНИНГ БИРМАДА БЎЛИШИ

РАНГУН, 6 декабрь. (ТАСС). Бирма парламентининг меҳмони сифатида бу ерда меҳмон бўлиб турган СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг раиси П. П. Лобанов бугун мамлакат бўйлаб саёҳат қилиш учун жўнаб кетди. СССРнинг Бирмадаги элчиси А. М. Ледовский, Бирма парламенти миллатлар палатасининг раиси Сао Шве Тайк, депутатлар палатаси раисининг ўринбосари Ман Ба Санг, депутатлар палатасининг секретари У Нан Нве, Миллатлар палатасининг секретари У Туонг бу сафарда ўртоқ Лобановга ҳамроҳлик қилдилар.

О. ГРОТЕВОЛЬ СОВЕТ ВИСТАВКАСИНИ КЕЛИБ КЎРДИ

БЕРЛИН, 6 декабрь. (ТАСС). Германия Демократик Республикаси Министрлар Советининг раиси О. Гротеволь Берлинда очилган «Хозирги замон совет санъати» виставкасини келиб кўрди. У совет санъат усталарининг виставкада қўйилган асарлари билан жузла қизиқиб танишди.

АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯГА КЕЛДИ

АНҚАРА, 6 декабрь. (ТАСС). АҚШ президенти Дуайт Эйзенхауэр бугун Римдан бу ерга расмий визит билан келди.

КЎШМА ШТАТЛАР ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯГА КЕЛДИ

ТУРКИЯ президенти Жалол Баёр, бир министр Аднан Мендерес, министрлар ва бошқа расмий кишилар кутуб олдлар.

ПРЕЗИДЕНТ ЭЙЗЕНХАУЭР АНҚАРАДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

АНҚАРА, 7 декабрь. (ТАСС). АҚШ президенти Д. Эйзенхауэр Туркиядан расмий визит билан бир кун туриб, бугун Анқарадан Карачига учиб кетди.

ЖАЗОИРДА ЖАНГЛАР

ҚОҲИРА, 6 декабрь. (ТАСС). Жазoir миллий овозлик армияси олий қўмондонинининг 27 ноябрдан 30 ноябрга қадар Жазoirда бўлган уруш ҳаракатлари тўғрисида бу ерда эълон қилган ахборотида айтиладики, француз қўшинларидан 77 киши ўлдирилди ва 66 киши яралор қилинди. Французларнинг 12 та ҳарбий автомашинаси ва битта бронемашиниси емириб ташланди. Француз қурол-яроғлари ва ўқ-дориларидан бирмунча ўлжа қилиб олинди.

Венгрия Социалистик ишчи партиясининг VII съезди ёпилди

БУДАПЕШТ, 5 декабрь. (ТАСС). Венгрия Социалистик ишчи партиясининг VII съездида бугун Венгрия Социалистик ишчи партиясининг раҳбар органлари сайланди. Охири мажлисида Янош Кадар нутқ сўзлади. Съезд, деди у, Венгрия Социалистик ишчи партиясининг Уставига мувофиқ, Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг ва Марказий ревизия комиссиясининг янги составини сайлади.

Овоз беришда қатнашган 667 делегатдан 645 делегат, — деди Янош Кадар, — Венгрия Социалистик ишчи партияси раҳбар органлари составига кўрсатилган кандидатларни тўла равишда маъқуллади. Мана шунинг ўзида, — деб таъкидлади нотиқ, — партиянинг принципиал сиёсий бирлиги ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Янош Кадар айтдики, Марказий Комитет составига 71 аъзо ва Марказий Комитет аъзоларига 23 кандидат сайланди, Марказий ревизия комиссиясига 15 киши сайланди. У янги раҳбар органлар состави номинда съезд делегатларига ишонч кўрсатганликлари учун чуқур ташаккур билдирди ва бу ишончни оқлайми, — деди.

Сўнгра Янош Кадар айтдики, янги сайланган Марказий Комитет ва Марказий ревизия комиссияси бугун ўтказилган биринчи мажлисларини ўтказдилар. Марказий Комитет Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоларини сайлади. Сиёсий бюро составига илгариги аъзоларнинг ҳаммаси ўтди ва Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоларига кандидат бўлган ўртоқ Деж Немеш янгидан сайланди.

Сиёсий бюро аъзоларига кандидат қилиниб Золтан Кочичи, Шандор Гашир ва Иштван Сирман сайландилар. Пене Фок, Лайош Фехер, Янош Кадар, Карой Кисш, Дьердь Марошан ва Иштван Сирман Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг секретарлари қилиниб сайландилар.

Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб Янош Кадар сайланди. Съезд бу хабарни узоқ давом қилган овация билан қутиб олди.

Сўнгра Янош Кадар айтдики, Марказий Комитет Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитети-нинг бошқа секретари Дьюла Каллаш-ни Венгрия Халқ Республикаси ишчи партияси раисининг биринчи ўринбосари қилиб тайинлади.

Америка—Туркия қўшма ахбороти

АНҚАРА, 7 декабрь. (ТАСС). Бу ерда АҚШ президенти Эйзенхауэрнинг Туркия президенти Баяр ва бош министр Мендерес билан олиб борган муокаралари тўғрисида Америка-Туркия қўшма ахбороти эълон қилинди. Ахборотда айтилишича, муокаралар давомида ҳар иккала мамлакатни қизиқтиратган кўп масалалар юзасидан ҳар томонлама фикр олишилган.

Ахборотда «бутун дунёда кескинлик ҳақиқатан ҳам юмшатишга олиб кела оладиган муҳитни вужудга келтириш» муҳим аҳамияти кўрсатилади. Эйзенхауэр ва Баяр бу кескинликнинг юмшатилиши «азодат, тенгликка асосланиши ва зарур гарантйялар билан таъминланиши лозим», деб таъкидлайдилар. Ҳар иккала томон контроль ва инспекциянинг самарали системаси мавжуд бўлганида қуролсизланиш проблемасини ҳал этиш мумкин, деган фикрга келди.

АҚШ президенти ва Туркия президенти ҳарбий иттифоқлар—НАТО ва СЕНТО доирасида ҳамкорлик қилиш «фойдали» деб топдилар.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ХАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА—8/ХII да Ёулчи юлдуз., 9/ХII да Оқнадар.
НАВОНИ НОМЛИ ТЕАТРДА—8/ХII да Риголетто, 9/ХII да Бөгема.
МУҲИМНИ НОМЛИ ТЕАТРДА—9/ХII да Ватан ишқи.
«ВАТАН» — кундуз ва кечкурун янги кинокомедия Еш тегири-мончи, кундуз соат 2 ярим, 4, кеч 5 ярим ва 7 да Солдат ҳақида қисса.
НАВОНИ номли — кундуз ва кечкурун. Солдат ҳақида қисса, кеч соат 6-40 минут ва 8-10 минутда янги бадиий фильм Унинг аллоди.
«ИСКРА» — кеч соат 5 гача Қисса ёзаман... кеч 5 дан янги бадиий фильм Шу дунёнинг эъра-вонлари.
«КОМСОМОЛ 30 ПИЛЛИГИ» — эрталаб соат 10 ва кундуз 2 да Сукунат оламида, кундуз ва кечкурун Солдат ҳақида қисса.
«ЭЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечкурун Унинг аллоди, кундуз соат 1 ва кеч 8 да Уялганган қар.
«ЭЗБЕКИСТОН 25 ПИЛЛИГИ» — кундуз ва кечкурун Еш тегири-мончи.
«СПУТНИК» — кундуз ва кечкурун Шу дунёнинг эъра-вонлари, кундуз соат 2 ярим, кеч 5 ярим ва 7 яримда Сизга ёзаман... КИНОЛОТОРИИ — кундуз соат 4-50 минутгача ва кеч 9 да Суку-нат оламида.

М. Т. ТУРСУНОВ

Узоқ давом этмаган оғир касал-ликдан сўнг Тошкент молия-иқтисод институтини кечки факультетининг де-кани, иқтисод фанлари кандидати Муҳаммадҷон Турсунович Турсунов вафот этди.



Ўртоқ Турсунов 1912 йилда камба-ғал деҳқон билан тугилган. У ўзининг саботлиги ва меҳнатсеварлиги туфайли юқори малакали илмий хо-лим даражасига кўтарилди олди. 1938 йилда Турсунов Тошкент Мо-лия-иқтисод институтини тамомла-ди, кейинчалик шу институт ҳузу-рида аспирантурада ўқиди. Улуғ Ватан уруши йилларида у Совет Ар-мияси сафида бўлди. Армия сафи-дан қайтган, Турсунов кандидатлик диссертациясини ёқлади.

Беш йил давомида, 1948 йилдан 1953 йилгача ўртоқ Турсунов Тош-кент молия-иқтисод институтининг директори, сўнгра у йил давомида Эзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Коммунистик партия тарихи институтининг ди-ректори вазифасида ишлайди. 1956 йилдан ўртоқ Турсунов яна Тошкент молия-иқтисод институтинида ишла-й бошлайди.

Ўртоқ Турсунов ижтимоий-сиёсий ҳаётда доим актив иштирок этган. У бир неча марта партия ва совет ор-ганларининг раҳбарлик составларига сайланган. Ўзининг намунали хиз-матлари учун Турсунов ҳукумат му-кофотлари билан тақдирланган.

Ўзининг бутун кучини ёш мута-хассисларни тайёрлашга сарфлаган ўртоқ Турсунов студентлар оmmasи билан маҳкам боғланган ва улар орасида катта обрўга эга эди.

Қадри Муҳаммадҷон Турсуновнинг хотираси қалбимизда узоқ вақтгача сақланиб қолади.

Бир группа ўртоқлари.

Телевизор Экранида

8 ДЕНАБРА
19.30. Мантэб ёшигача бўл-ган болалар учун рус тилида «Уялба топ» деган эшитти-риш.
19.50. Киночери — «Биз ҳаёт сари боримизда».
20.00. Сўнги ахборот.
20.20. Кишлоқ ҳўжалик ходимлари учун эшиттириш.
20.30. Ҳужжатли фильм — «Ҳамма ноёда янги ҳаёт».
21.30. Свердлов номли кон-церт залидан кеч ҳафтада фи-лармонияси симфоник оркес-трининг концерти олиб кў-ратилади.

Редактор ўринбосари: М. ҚОРИЕВ.

АЛИШЕР НАВОНИ НОМЛИ ОПЕРА ВА БАЛЕТ ТЕАТРИДА ТЕЗ КУНДА

БАЛЕТ КЕЧАСИ
I бўлимда Ф. Шопен ШОПЕНИАНА II бўлимда БАЛЕТЛАРДАН ПАРЧАЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

9 декабрда Тошкентда биринчи марта «Эг йирик совет аттракцион» «Айиқлар цирки» ГАСТРОЛИ БОШЛАНДИ Айиқларни ўргатувчи — Халқаро цирк санъати фести-вали лауреати, РСФСР халқ артисти ВАЛЕНТИН ФИЛАТОВ. Кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Бешбола кўча, 111-уйда турув-чи Ўринбой Шодиевнинг шу уйда турувчи Ўлмас Бозоровдан ажра-лиш ҳақидаги иши Тошкент ша-ҳар, Қўрасуи район, 2-участка халқ судида қўрилди.

„Локомотив“ жамияти чемпиони

Тошкентдаги темир йўл транс-порти инженерлари институтининг спорт залида 60 га яқин ишчи классик кураш бўйича «Локомо-тив» кўнчили спорт жамиятининг Тошкент район совети шахсий биринчилиги учун мусобақалашди. Мусобақаларда тажрибали кураш-чилар билан бирга ёш полковлар ҳам қатнашдилар. Енгил вазнлик курашчилар — Коновалов ва Чи-гирияларнинг учрашуви жузла қи-зиқарли бўлди. Чигирин 10 минут ичда рақибни енгди. Ҳамзаев, Кавилов, Ведерников, Охунов ка-би спортчилар ҳам мусобақага яхши тайёргарлик кўрдилар. Бу полковларга «Локомотив» жамия-тининг чемпиони номи берилди.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Бугун Тошкентда ва Тошкент областида ҳаво булутли бўлиши ва баъзан жойларда юр ёғини ку-тилади.

Тошкентда температура 0 дара-жа, облаstda эса 0-5 даража ўрта-сида совуқ бўлади.

Маҳаллий комитет ёрдами билан

«Ўзбекистон» комби-хотимлар ҳамда хизмат-дан шахтёрлардан О. нати корхоналарининг чилар бу йил санаторий О. касабасоюз ташкилот ва дам олиш уйларида ва дам олиш уйларида лари шахтёрларнинг хордиқ чиқардилар, Б. Ражабов Есеи-соғини, кўнчили дам Кончиларга пўтёвқалар, А. Гарибуллин олиши ҳақида катта текинга ва арзон баҳо гахмурилик қилиб кел-моқда. Мингта яқин иш-Касаба союз ташки-чи ва инженер-техник рининг ёрдами би-

II НАТЮРМОРТ

Ўзбекистон Совет расмолари со-юви қошидаги тасвирий санъат сек-циясининг навбатдаги машғулоти бў-либ ўтди. Секцияда республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби рассом Н. В. Башинанин янги асар-лари муокама қилинди. Кекса рассом Н. Кашина шу йил-нинг ёз ойларида республикамиз-нинг бир қатор областларида ижодий командировкада бўлиб, солхоз дала-лари кўрнвяшлари, табиат лавҳала-

ри ва илгор кишиларининг меҳнат процессларини ўзининг янги асарла-рига натура қилиб олди. Жумладан, Самарқанд областининг лиқдгата саавор жойлари рассом илхомчи-ликком қўлиди. Рассом областнинг лирик кўрнвяшлари асосда репуб-ликамажнинг натюрморт сериясидан II та асар яратди.

Секция аъзолари мажмур натюрморт-ларга ижобий баҳо бердилар.

А. АНБАРОВ.

ЖИНОИЙ КИДУРВ БУЛИМИДА

— Ҳўш нима қилмоқчисиз? Қа-моқда ўтиришгиз келаяпти шекилли, — деди Борисов бўғиқ овоз билан. — Зиқналик қилманг, ҳаммасини тўғриласа бўлади. Плишевский ҳам шундай деди. — Қанча бераман? — ранги оқа-риб сўради Яков Абрамович. — Юз минг! — Бунча пулни қардан оламан! — Пўқ дейсизми? — Борисов Се-мёновга қараб. — Олиб бориңг! — деди. — Шоманг! Ахир менин ҳеч қандай гуноҳим йўқ. Утмишда бироз аялланганман бўлган, холос. Майли, беш минг сўм пулим бор... Бераман... — Семёнов, олиб бориңг дейман! — Ўн минг сўм! — Семёнов! — Ўнбеш минг... — Жинни бўлганми бу одамнинг ўзи! — деди Борисов кўларига қон тўлиб. У Гофманнинг костюми ёқ-дларидан тутиб, ўзига тортиди. — Худ-ди хотинларга ўхшаб содлашсан-сан. Бу пулни фақат мен одамани-мин. Юз минг сўм берасан. Бошқа гап йўқ. Йўқ десаңг, кейин ўзининг тина қил. Ахир ўйласангчи, хо-тининг бола-чақаларининг аҳволи нима кечди. Сенин ўринида бош-қа одам бўлса, дарров хўп деб, яна аялфат ҳам қилиб берарди. Подпол-ковникни ҳам қўндириш осон эмас. Эй, латтачайлар. — Ахир ишонмайсан-а, бошқа пу-лим йўқ. Шунда Семёнов Гофман-ниг тирагидан ушлаб, уни олдинга юртшга ишора қилди. Қути учган Гофман бирдан «кирқ минг толаман, бошқа йўқ. Шунга ҳам мўшина ола-ман деб йиғиб қўйган эдим» деб юборди. — Жузла қув экансан, — деди Бо-рисов рози бўлиб, — фақат тараққ-келтириб бер. Ўртоқ младший лей-



КИРҚ МИНГ СЎМ

Машина ретишка қопланган уч деразали уй олдига келиб тўхтади. — Бўёқда марҳамат, — деди Бо-рисов машинадан тушиб нима қили-шига билмай турган Гофманга. Яков Абрамович уёқ-бўёқда алаң-даёқ Борисов кетидан юрди. Семё-нов бўлса шофер билан гапашиб бироз орқада қолди. Ичкарига кир-ган, Борисов баланд овоз билан: — Ўртоқ подполковник, рўхсат бериңг гапирйишга! деди. Борисов уй ўртасидаги юмалоқ столада шахмат ўйнаб ўтирган икки кишининг би-рига мурожаат қилган эди. Улар хонага кириб келган кишиларга эъ-тибор беришмади ҳам. — Нима гап ўзи, Борисов? Мен сенга бу ерга ҳеч кимни олиб кел-ма деб айтган эдимку! — деди қора костюм ва от хаворанг қўйлаб ки-йган киши Унинг Борисов томон сал қийшайиб турган қотма галдаси ва совуқ кўзаларида қандайдир очкў-злик бор эди. — Ўртоқ подполковник, — гап бошлаган эди Борисов, — Нима «ўртоқ подполковник» — деб жерқиб берди у. — Бундай ишлар бўлимда хал қилинади. Ор-ганда сиз бир неча йилдан бери иш-лайсан-ку, қондан мендан кам бил-майсан. Бу Гофманми? — қотма ки-ши Яков Абрамовичга назар ташла-ди. — Худди ўшанинғ ўзи, ўртоқ по- (Боши газетамизнинг 4 декабрь сониде)